



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 27 август, сешанба №136-137 (1354)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИШ ҲАМ ҲАММОНЛАР ИШТИРОКИ

Андижондаги Чўлпон номидаги боғда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Уни шаҳар ҳокимлигининг меҳнат ва бандлик бўлими ташкил этди. Ҳар чоракда ўтказиб туриладиган бундай ярмаркалар аста-секин вилоят маркази аҳолисини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этувчи омиллардан бирига айланиб бормоқда. Ҳар сафар ярмаркада иштирок этаётган корхоналар сони ҳам, бўш иш ўринлари рўйхати ҳам кўпаймоқда. Бу галги ярмаркада мулкчиликнинг турли шаклларидаги 200 га яқин корхона, муассаса ва фирма иштирок этди. Бозор ҳажми қарийб 600 иш ўрини ташкил этди. Талаб ҳам тақриф ҳам катта - гишт терувчидан тортиб бухгалтер, лойиҳалаштирувчи муҳандисгача. «Ҳолис» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси билан мебел фабрикасида ишчиларга энг кўп талаб тушди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида



Акрамова Дилбар

Мамлакатимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, дунё миқёсидаги шон-шухратини ва обрўсини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни раванқ топтириш йўлидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий ишон - «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:



Бобожинов Ислам Олимович

Акрамова Дилбар - Ўзбекистон «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси
Бобожинов Ислам Олимович - Хоразм вилояти ҳокими
Зокиров Марат - Жиззах Давлат педагогика институтини қошидаги иқтидорли болалар лицейи директори
Латипов Азим Шукурович - Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалиги раиси
Саидов Муродулло - Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги Жейнов ширкат хўжалиги раиси
Шарафиддинов Озод Обидович - «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, адабиётшунос



Зокиров Марат

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 23 август



Латипов Азим Шукурович



Саидов Муродулло



Шарафиддинов Озод Обидович

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 2002 йил 29 август куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисида 27 август куни соат 15.00 да «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Фидкорлар миллий демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 27 август куни соат 17.00 да бўлади.

Олий Мажлисида 28 август куни соат 13.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиётига бахшида этган бетакор истеъдодли ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган катта илмий-ижодий меросни инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

- Ҳабиб Абдуллаев - академик
- Содиқ Азимов - академик
- Тўхтасин Жалилов - Ўзбекистон санъат ароби, бастакор
- Убай Орипов - академик
- Игорь Савицкий - Ўзбекистон санъат ароби, рассом
- Тошмуҳаммад Саримсоқов - академик
- Саъди Сирожиiddinov - академик
- Обид Содиқов - академик
- Ҳамид Сулаймонов - Ўзбекистон фан ароби, манбашунос олим
- Олим Хўжаев - Ўзбекистон халқ артисти, актёр
- Собир Юнусов - академик
- Тошмуҳаммад Қори Ниёзий - академик (Қориниёзов)
- Яхё Фуломов - академик

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 23 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

- Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда унинг нуфузини ошириш, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўзининг ижодий, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик самарали меҳнатини эътиборга олиб ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:
- «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ»
Абдуллаев Рустамбек Самирович - Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими
Эргашев Анвар Йўлдошев - Ўзбекистон миллий симфоник оркестри бош дирижёри, бастакор
- «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ»
Раҳимов Мукамбар Ҳақимовна - «Ўзбекфильм» киностудияси дубляж актёри
- «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ»
Имомов Дилёр Сидиков - Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, рангтастувирчи
- Перов Александр Петрович - Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтастувирчи
- «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ»
Нарзуллаев Алишер Ибодуллович - Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг Бухоро вилоят бўлими кўлопи
- Одиллов Ҳасан Пирматович - «Устозода» халқ амалий санъати корхонаси ёғоч ўймаkori
- Раҳматов Мирмахмуд Мирзахматович - Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганч ўймаkori
- Соҳибназаров Насрулло - Самарқанд вилоятлараро «Усто» бирлашмаси ёғоч ўймаkori
- «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҲОФИЗИ»
Умаров Фахриддин - Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, меҳнат фахрийси
- «ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»
Андреев Леонид Владимирович - Давлат ҳисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг энгил атлетика бўйича спорт йуриқчиси
- Худойбердиев Аслиддин Ҳақбердиевич - Марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси (Давоми 2-бетда)

Бокс

ли топширилди. - Менга камтарона меҳматим учун «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилганидан беҳад хурсандман, - деди Осие чемпиони Бахит

УНВОНЛАР ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримов боксчиларимизнинг бу улкан ғалабасини юксак баҳолаб, уларнинг баъзиларини давлат мукофотлари билан тақдирлаш ҳақидаги Фармонга имзо чеккади.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Икром Бердиев, Бехзод Хидир, Бахит Сарсекбоев, Шерзод Хусанов, Сергей Михайлов ва Тўлашбой Дониёровга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони ва бокс мураббийи Ҳабибулла Усмоновга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» унвони нишони тантанаван тақдим қилинган.



Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА мухбири.

НИҲОЛЛАР ЧИНОРЛАРГА АЙЛАНАЖАК

Ватанимиз - истеъдодлар юрти. Мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши, қобилиятини тўлиқ намойиш этиши учун катта ғамхўрлик кўрсатиляпти. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси ва тавсияси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти фикримизнинг яна бир яққол исботидир. Бир неча йилдирки, юртимизда санъат соҳасига дадил қадам қўяётган энг иқтидорли ёшларни ушбу юксак мукофот билан тақдирлаш яхши анъанасига айланиб қолган.

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида бу йилги «Ниҳол» мукофоти совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тантанаван сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кариматов мамлакатимиз Президентини номидан ушбу нуфузли мукофот совриндорларини самимий муқорабод этиб, истиқлолнинг дастлабки кунларида доқ давлатимиз раҳбари ёшларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етиши борасида ғамхўрлик кўрсатиб келаётганини алоҳида таъкидлади. Кейинги йилларда ана шу эзгу ишлар янада кенг қулоч ёйгани қувонарлидир. Кўшиқчилик ва мусиқа соҳасида ижод қилаётган навиқорон санъаткорлар учун «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилгани ёшларга бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йили Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинган «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ асосан ёш санъаткорлардан иборат нуфузли танлов кенгаши тuzилган. Уша йили умидли ёшлардан бир гуруҳи илк бор мазкур мукофот билан тақдирланган эди.

Бу йил ҳам мазкур кенгаш «Ниҳол» мукофотига тавсия этилган юздан ортиқ номзоднинг ижодий имкониятларини ҳар томонлама ҳолис кўриб чиқиш, Ватанимиз мустақиллигининг ўн бир йиллик байрами арафасида улардан ўн нафарини ушбу юксак мукофотга муносиб деб топди. Голибларга мукофотларни ўтган йилларда ушбу совриндога лойиқ топилган ёш хонандалар ҳамда таъкили санъаткорлар топширди.

- Аввало, ёшлардаги истеъдод қирраларининг янада кенгроқ очилишига имкон берувчи бундай мукофотнинг таъсис этилгани учун Юртбошимиздан жуда миннатдоримиз, - деди Сайфулла Хусанов. - «Ниҳол»-дек нуфузли мукофотга Ватанимиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги арафасида ўғлим Фазлиддиннинг сазовор бўлиши биз учун олий саодат, деб биламан. Ҳозир у Буюк Британияда Узьель Миллий консерваториясида таҳсил олмақда. Фарзандимиз бу умидни ва ишончини оқлашига шубҳам йўқ.

Назкат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ВАТАНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК БЎЛСИН!

(Боши 1-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

Абдуваҳобов Абдурайим Абдуллаҳович - Ўзбек Миллий академик драма театри актери

Абдуллаев Аҳдам Жумаевич - Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусикали драма театри актери

Абдуллаев Фарход Бадалович - «Ўзбекфильм» киностудияси актери

Азизов Зариф Саидович - Маданият ишлари вазириликнинг Академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси хонандаси

Азизова Тожибархон Мўминова - Ички ишлар вазирилик қошидаги «Турон юлдузлари» ансамбли хонандаси

Зиёева Маликаҳон - «Ўзтелеерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли соҳибдори

Конилов Хўжаикбар Толипович - Ўзбек Миллий академик драма театри актери

Мирзаев Комилжон Гуломович - «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси соҳибдори, режиссёр

Мирзаидинова Феруза Махаммадова - «Сетора» эстрада гуруҳи хонандаси

Назархонова Севара Анвархонна - «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Норбоев Гофур Негматович - «Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғу оркестри соҳибдори, найчи

Парпиев Турсунбой Ҳожиёвич - «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Андижон вилоят бўлими хонандаси

Раимжонов Анвар Хусанович - «Ўзбекистон солистлари» камер ансамбли бадий раҳбари ва дирижёри

Расулов Алишер Турсунбоевич - Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, бастакор

Сайдалиев Вали - Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусикали драма театри актери

Салимов Мехмонали - Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали театри актери

Собиров Огабой Каримович - «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Хоразм вилоят бўлими хонандаси

Стоцкая Людмила Ивановна - Ўзбекистон академик рус драма театри актери

Тоқоев Таймурат Муратович - Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси, балетмейстер

Тилегинов Конибай Базарбаевич - Қорақалпоғистон Республикаси «Айқулаш» шула ва рақс ансамбли балет солисти

Титиев Ринат - Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси

Турсунова Зебо Рашидовна - «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси Қашқадарё вилоят бўлими бош балетмейстери

Хисамиева Талия Салиховна - «Баҳор» ансамбли балетмейстери

Холиқова Муқаддас Шомақсудовна - Ўзбек Миллий академик драма театри актери

Шилова Надежда Дмитриевна - Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

Эргашев Гуломқодир - Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, рубоичи

Юсупов Жалол Шарофудинович - Ўзбекистон Ёшлар театри актери

Қосимова Сайёра Раҳимова - Сурхондарё вилоят «Бойсуни» фольклор-этнографик ансамбли хонандаси

Хайдаров Тўлқинжон Усмонович - Фарғона вилоят Бағдод тумани маданият уйи раҳбари, хонанда

Ҳожиамедов Рустам Давроневич - «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Самарқанд вилоят бўлими хонандаси

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МЎРАББЕЙСИ

Абдурашидов Тўхтамурод - Тошкент кимё-технология институтининг юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси кафедраси профессори

Абдурашидов Қобул Содикович - Тошкент архитектура-курулиш институтининг курилиш механикаси ва иншоотлар энциклопедия кафедраси мудири

Бандиёв Тешабай - Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти профессори

Бекметов Матсапа - Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ортопедик стоматология кафедраси мудири, профессор

Дўқораев Бойбўта Абдуғаниевич - Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг журналистика назарияси, амалиёти ва тарихи кафедраси мудири

Жабборов Негматилла - Фарғона политехника институтининг ёр-мол технологияси кафедраси доценти

Жўракулов Мавлон Жўра

кулович - Самарқанд давлат университетининг археология кафедраси мудири

Каримов Эгамберган Каримович - Хоразм вилоят Урганч шаҳар автомобиль йўллари касб-хўнар коллежи директори

Маннонов Абдурахим Мулатович - Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқув ишлари бўйича проректори

Мелкомин Виталий Львович - Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори

Мўминов Агамамат - Сурхондарё вилоят Термиз туманидаги 17-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори

Полванов Эсонбек - Жиззах вилоят Фориш тумани 14-урта мактабининг кимё-биология фани ўқитувчиси

Тожибоева Саодат - Қарши ижтимоий-педагогика касб-хўнар коллежининг кимё ва биология фани ўқитувчиси

Тўраев Азиз Опоқович - Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректори

Қодиров Тўйғун Маждидович - Тошкент давлат техника университетининг электр таъминоти кафедраси профессори

Хайтов Жумақул - Бухоро озиқ-овқат ва ёнғил саноат технологияси институти кафедра мудири

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ

Абдувалиев Анваржон - Ўзбекистон радиоси «Ахборот» муҳарририяти бош муҳаррири

Аҳмедов Аҳрор Аҳмедович - «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти муҳаррири

Исоилов Жаҳонгир Холмуродович - «Мазрифта» газетасининг Бухоро вилоят муҳбири

Холматов Мукаррамжон Ганиевна - Андижон вилоят «Асака ҳаёти» газетаси бўлим муҳбири

Хонимқуллов Алиқул Жўлиёвич - «Халқ сўзи» газетасининг Сирдарё вилоят муҳбири

Эгамқуллов Бекқул Уммутович - «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бўлим мудири

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИХТИРОЧИ ВА РАЦИОНАЛИЗАТОР

Долмис Давронбек Нигманович - Ўз ФА О.Содиқов номидаги Биорганика кимё институтининг лаборатория мудири

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ

Аҳмедов Баҳодир Фаниевич - «Ўзтелеерадио» компанияси «Ўзбектеlevision» студиясининг кинорежиссёри

Бобожонов Султоннозир - Хоразм вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи

Жўраев Мадамин - Фарғона вилоят Кўкон шаҳар Ҳамза номидаги мусикали драма театри бош режиссёри

Жўрақуллов Қодир Жўрақуллович - Навоий вилоят Кониمةх тумани маданият уйи бадий раҳбари

Мансуров Ияяр Идрисович - Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

Насриддинов Бахриддин - Ўзбекистон Театр ижодкорлари уюшмаси аъзоси, санъатшунос

Парнонов Аҳад Жўраевич - Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали театри режиссёри

Солиев Ҳабибулло Исмоилович - Тошкент Ислам университети хаттотлик бўлими бошлиғи

Шамсутдинов Рустам Дининович - «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси режиссёри

Шин Исхра Ильинична - Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

Ўтбосаров Абдумўмин Абдумажидович - «Ўзтелеерадио» компанияси директори

Қосимов Нуриддин - «Ўзтелеерадио» компанияси «Маънавият» студияси бош режиссёри

Ҳакимов Саъдулла - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Ҳасанов Қажрамон Иброҳимович - «Ўзбекино» давлат акциядорлик компанияси кинооператори

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ

Бобожонов Каландар - Соғлиқни сақлаш вазириликнинг академик В.Воиходов номидаги хирургия илмий марказининг бўлим раҳбари

Ешанов Шамурат - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси соғлиқни сақлаш хизматининг Кўнғирот бекати шифохонаси бўлим бошлиғи

Калиш Юрий Иванович - Соғлиқни сақлаш вазириликнинг академик В.Воиходов номидаги хирургия илмий марказининг бўлим раҳбари

Махаммов Қозим Эргашевич - Республика шозилинч тиббий ёрдам илмий марказининг бўлим раҳбари

Расулов Нигматулла - Тошкент шаҳар Акмал Икромов

тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори

Қосимов Эркин Йўлдошев - Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ

Бабанина Светлана Викторовна - Республика Олимпия захиралари коллежининг сузиш бўйича мураббийси

Илхомов Рустам Илхомович - «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамятининг махсус жисмоний тайёрларлик маркази бошлиғи

Ким Александр Анатольевич - Тазквондо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси

Махмудов Шахрулло Шарипович - Республика Олимпия захиралари коллежининг ёшлар терма жамоаси бош мураббийси

Пахомов Владимир Юрьевич - Қорақалпоғистон Республикаси ашхак эшик бўйича ихтисослаштирилган Олимпия ўринбосарлари мактабининг катта мураббийси

Якубова Разия Гарфитдиновна - Республика Олимпия захиралари коллежининг трамполн бўйича мураббийси

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ

Ғаджилазов Магомедали Гусейнович - Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг спорт йўриқчиси

Жўраев Шавкат Ашурович - «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамятининг спорт йўриқчиси

Каспалатова София Ильгизаровна - Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси йўриқчиси

Малигонова Надежда Вячеславовна - Навоий кон-металлургия комбинати қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

Таймасов Артур Борисович - Ўзбекистон Кураш ассоциацияси йўриқчиси

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ

Мадридиров Маматсоли - Тошкент давлат педагогика университети математик тахлил кафедраси доценти

Нурмонов Абдулхамид - Андижон давлат университети қошидаги малака ошириш маркази директори

Юсупова Маъмураҳон Садиловна - Соғлиқни сақлаш вазириликнинг П.Боровский номидаги тиббиёт коллежи директори

Халқимизнинг илм-зиё савлоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳалари ни ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун қўйидагилар мукофотлансин:

«БЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Пугаченкова Галина Анатольевна - Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, санъатшунос

Ҳайитметов Абдуқодир Ҳожиетович - Ўз ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий махсусхонаси, адабиётшунос

«ЭЛ-ЮРТ ХУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Даминов Бобомурод - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Убайдуллаева Маърифат Сайбуллаевна - А.Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театри актери

Юнусов Мақсуд - «Ўзтелеерадио» компанияси «Маънавият» студияси режиссёри

«ИХТИРОЧИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдикамолов Бахтиёр Абдиразақович - Қорақалпоқ давлат университетининг ўқув ишлари бўйича проректори

Абдуалимов Соҳида Набиевна - Сурхондарё вилоят Узуи туманидаги 12-урта мактабининг тожик тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Азимов Муҳаммадқул - «Сурхон тони» газетаси муҳаррири

Анненков Петр Тимофеевич - Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, график-дизайнер

Жалилов Нуриддин - Фарғона вилоят Марғилон шаҳар босмахонаси директори

Жалолов Тошўлат - Андижон гаула ва дуққаки ўсимликлар илмий-тадқиқот институтининг илмий кенгаши котиби

Жўзимбетов Аманияз - Қорақалпоғистон Республикаси халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази бош мухтасасси

Жумаев Қорғад Жўраевич - Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг «Ситорая Мохи Хоса» музейи филиали бошлиғи

Зокиров Ҳосил - «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

давлат илмий нашриёти бўлим мудири

Ионкина Клавдия Афанасьевна - Тошкент китоб-журнал фабрикаси чоп этувчиси

Лигаи Виктор Иванович - Бобур номидаги Андижон вилоят мусикали драма театри бош руссони

Мадалиев Абдуваҳоб Паттоҳович - Ўз ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Матқаримова Айибии - Хоразм вилоят болалар шифохонаси бош шифокори ўринбосари

Мирзаев Исроил - Самарқанд давлат университети профессори, адабиётшунос

Муинов Орифжон - Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

Мухторова Шарбат - Навоий вилоят Нурота тумани «Нурнома» газетаси бўлим мудири

Мўминова Гофуржон - Наманган саноат касб-хўнар коллежининг физика фани ўқитувчиси

Набиев Гани - Самарқанд вилоят Пастдарғом туманидаги «Наврўз» қишлоқ шифокорлик пункти мудири

Носиров Хайдар - «Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудири

Огнева Наталья Сергеевна - А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят кутубхонаси директори ўринбосари

Раҳимов Мирзааҳмад Мирзааҳмадович - Ўзбекистон Миллий университетининг биология кафедраси мудири

Рихсиев Маҳмад - Ўзбекистон радиоси ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар муҳарририяти шарҳловчиси

Саъдуллаев Мангуберди Шуқурович - «Ўзбекистон» нашриёти ижтимоий-сиёсий адабиётлар бўлими мудири

Султонов Хайрулла Тожиёвич - Маданият ишлари вазириликнинг маданият ёдгорликларини муҳофиза қилиш ва таъмирлаш илмий-ишхалқ чикариш бошқармаси мухтасасси

Турсунқўжаев Тўйғунқўжа - «Ўзтелеерадио» компанияси республика телекўрсатув марказининг чирок устаси

Холиқова Мастура Назаровна - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг хабар узатиш хизмати ходими

Хўшаев Эркин Болтаевич - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, драматург

Чудаков Виктор Михайлович - ЎзФА «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институтининг етакчи илмий ходими

Эгамназаров Алиназар Имомназарович - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, публицист

Юнусов Абдурашид - Наманган вилоят матбуот бошқармаси бош муҳандиси

Ҳасанов Ҳамидулла - «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи-оператори

Хусанов Баҳодир - Хоразм вилоят «Хива» сайёҳлик мажмуаси директори

Мамлакатинида хар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун мукофотлансин:

І ДАРАЖАЛИ «СОГЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахмонова Ҳамро - Андижон шаҳридаги 2-турку мажмуасининг акушер-гинеколог

Авазова Адолат Нарзуллаевна - Сурхондарё вилоят Ангор тумани марказий шифохонасининг аёллар маслахатхонаси мудири

Алиева Галина Валентиновна - Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани 23-оилавий поликлиникасининг гинеколог

Ариева Ойимкол Тўраевна - Самарқанд шаҳридаги 4-болалар поликлиникасининг махалла педиатри

Аҳмедова Дилбархон - Наманган шаҳридаги 2-поликлиника шифокори

Аҳадова Манзураҳон Қодировна - Бухоро шаҳридаги 4-поликлиникасининг бўлим мудири

Давлатова Назира - Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани марказий шифохонасининг бўлим мудири

Сулэйманов Январ - Тошкент вилоят Охангоран туманидаги қишлоқ шифокорлик пункти мудири

Махмудов Орхан Сирожидинович - Соғлиқни сақлаш вазирилик Педиатрия илмий-тадқиқот институтининг бўлим бошлиғи

Пўлатова Гуляндом Омонова - Қашқадарё вилоят оналар ва болалар шифохонасининг бўлим бошлиғи

Турлибекова Кулзамира Тасбаюевна - Жиззах вилоят Арнасай туманидаги қишлоқ шифокорлик амбулаторияси хамшираси

Хўжаева Оминаҳон Ҳамидовна - Фарғона вилоят Уч

қўриқ тумани марказий шифохонасининг туғруқ бўлими дояси

ІІ ДАРАЖАЛИ «СОГЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Алиева Антонина Бобожоновна - Андижон вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг олий спорт махорати мактаби директори

Бегимбекова Седана - Жиззах вилоят Мирзақул тумани Абай номидаги 2-урта мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Бегларян Валентина Ивановна - Самарқанд вилоят энгил атлетика спорт мактаби мураббийси

Давидбоева Раъно Муҳаммадновна - Фарғона шаҳар Гўдақлар уйи бош шифокори

Жумабеков Валерий Умарович - Тошкент вилоят Чирчиқ шаҳридаги 20-урта мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Жусибеков Серик Кидирбаевич - Қорақалпоғистон Республикаси Нугус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

Журкина Валентина Семёновна - Бухоро вилоят болалар касалхонаси физиотерапия бўлими мудири

Комилов Шавкат - Самарқанд банк касб-хўнар коллежининг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Мадридиров Аҳмеджон - Хоразм вилоят Хонқа тумани марказий шифохонаси кардиология бўлими мудири

Норбоев Алишер Ҳақбердиевич - Сурхондарё вилоят касба уюшмалари спорт жамятига қарашли дзюдо ва кураш мактаби мураббийси

Ортиққўжаева Муяссар Шамсиевна - Тошкент шаҳар Чилонор туманидаги 16-поликлиниканинг махалла шифокори

Раимов Эргаш - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, болалар ёзувчиси

Рахматуллаев Юсуф - Қашқадарё вилоят оналар ва болалар шифохонаси 2-жароҳлик бўлими мудири

Ульченко Лариса Степановна - Тошкент вилоят Чилонор тумани марказий шифохонаси бош шифокори муовини

Дибирнизада тинчлик-товушлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётини турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шухратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қўйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдувоҳидова Бахтиёржон - «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси либос чеҳи бошлиғи

Абдукаримов Диамат Тўхтаевич - Самарқанд қишлоқ ҳўжаили институти профессори

Абдураулов Бахтиёр - «Ўзтелеерадио» компанияси махсус автокорхона ҳайдовчиси

Абдуханова Ҳалимаҳон Расиховна - Тошкент вилоят Охангоран туманидаги саҳоват уйи фелдшер

Акрамова Ҳосият - Самарқанд вилоят «Отель Самарқанд» хиссадорлик жамяти ходими

Акроров Комил Исмолович - Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти қошидаги шифохона бош шифокори

Алимов Гайбулла Яҳёевич - «Ўзтелеерадио» компанияси республика радиозаштириш ва овоз ёзиш уйи оператори

Амирова Людмила Юрьевна - Жиззах вилоят Пахтакор тумани Мирзо Улўғбек номидаги маданият саройи директори

Анварова Фаридаҳон - Фарғона вилоят Ўзбекистон тумани санитария-эпидемиология назорати маркази врач

Аруновна Лариса Суреновна - Ўзбекистон Олмавий ахборот востиларини демократиялаш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жағфармаси бош мухтасасси

Аҳмедов Абдулла - «Жиззах ҳақиқати» - «Джиззакская правда» газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Аҳмедов Мирмуслим Ҳайдарович - «Ўзтелеерадио» компанияси техника бошқармаси бошлиғи

Байбосинов Сарсенбой Ҳайдарович - Қорақалпоғистон Бадий академияси кўргазмалар зали директори, рангтасвирчи

Болтаев Алланазар Базарбаевич - Хоразм вилоят Хива тумани босмахонаси чоп этувчиси

Васильев Анатолий Анатольевич - «Баҳор» концерт зали саҳна машинисти

Ғадойбов Ботир Шорайимович - «Ўзбектеlevision» студияси кинотасвирчиси

Генжамуродов Бахтияр Алламбергенович - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ходими, ёзувчи

Даминов Абдулғани Абдуқаюмович - Андижон вилоят Избоскан тумани «Пахтакор» газетаси муҳаррири

Дехқонова Гулсара - Рес

публика Ёш томошабинлар театри труппа бошлиғи

Ёриев Алижон Равшанович - Республика шозилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё вилоят филиали жарроҳлик бўлими мудири

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович - «Фидокор» газетаси бўлим муҳаррири

Жўраев Юсуф Ҳудойқулович - «Туркистон» газетаси мухтасасси

Жўраев Нурхон - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси соғлиқни сақлаш хизматининг Кўкон бекати шифохонаси шифокори

Зарикеева Замира Уразбаевна - Қорақалпоғистон Республикаси Нугус савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат касб-хўнар коллежининг математика фани ўқитувчиси

Зокирова Саида - «Ўзкитсабвод» давлат акциядорлик компаниясининг мухтасасси-кутубхоначиси

Иброҳимов Нўмон Ҳамидович - Фарғона вилоят Кўкон автоўйи касб-хўнар коллежи услубчиси

Ишанова Зубайда - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Йўлдошев Рустам - Самарқанд давлат тиббиёт институти кўз касалликлари клиникасининг врач-офтальмолог

Каримов Абдуразақов Ботирович - «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бўлим муҳаррири

Каримова Уйғулхон Салаевна - Урганч давлат университети қошидаги академик лицей директори ўринбосари

Кенжабоева Муаззам Иноновна - Тошкент вилоят Урта Чирчиқ тумани марказлашган кутубхонаси директори

Кистаубаев Шекербек Асилбекович - Тошкент вилоят Қибрай тумани марказий шифохонаси фелдшер

Комилов Қажрамон Садриддинович - «Ўзтелеерадио» компанияси Бадий жамоалар дирекцияси директорининг ўринбосари

Лозин Сергей Николаевич - Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 120-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг сузиш бўйича мураббийси

Мамасолиев Содиқ - Термиз давлат санъат касб-хўнар коллежи ўқитувчиси

Махмудқўжаева Матлубахон Саидқонова - «Тошкент ҳақиқати» газетаси нуска кўчирувчиси

Мирзаев Туроб Мирзаевич - Навоий вилоят Кониمةх тумани марказий поликлиника кардиолог

Мирқосимова Элмира Зукруллаевна - Ўзбекистон давлат консерваторияси фортепиано кафедраси ўқитувчиси

Мухамедова Маъмура Абдуғафуровна - Тошкент шаҳридаги мурувват уйининг физиотерапия хамшираси

Набиева Маълура Нигматовна - «Гулистон» журнали бўлим муҳаррири

Нажимов Расул Холевич - Бухоро вилоят босмахонаси чоп этувчиси

Назарова Маълуда Жўраевна - Биринчи Тошкент босмахонасининг муқовалаш чеҳи тивувчиси

Нишонбоев Озод - Тошкент вилоят Урта Чирчиқ тумани марказий шифохонаси бўлим мудири

Нуринбоев Рискитилла ўринбосар - «Саодат» журнали фотомуҳбири

Нурматов Абдуваҳоб Нурмухаммадович - Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Андижон вилоят бўлими раҳбари

Одиллов Рихситилла Мирзахолович - Янгийўл китоб фабрикаси чоп этувчиси

Орипов Турсунбой - «Ўзтелеерадио» компанияси бош дирекциясининг эфирга узатувчиси

Орлова Татьяна Юрьевна - «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири

Островский Владимир Леонидович - Ўзбекистон академик рус драма театрининг адабий бўлим мудири

Пардабоева Холида Эшонқуловна - «Сирдарё ҳақиқати» газетаси бўлим муҳаррири

Пўлатова Василя Раҳматовна - «Гулькан» журнали хатлар бўлими муҳаррири

Раҳимов Алишер Акбарович - Тошкент бадий керамика тажриба комбинати кулоли

Раҳимова Мукамбар - Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти доценти

Раҳматов Шароф Сирожевич - Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусикали драма театри директори

Раҳмонов Дарвишбек Урунбоевич - Тошкент вилоят Янгийўл тумани маданият

бўлимининг «Қадирғоч» цирк жамоаси режиссёри

Ревская Галина Васильевна - Тошкент шаҳридаги 20-оилавий поликлиниканинг махалла педиатри

Рябова Елена Анатольевна - «Маънавият» нашриёти ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи

Самиев Йўлдош Самиевич - «Наманган ҳақиқати» газетаси муҳбири

Соатқулова Муслима - Навоий вилоят Навбахор тумани марказий шифохонасининг бўлим мудири

Содиқов Аҳмажон - Фарғона вилоят Марғилон педагогика касб-хўнар коллежи ўқитувчиси

Солиқова Азиза Қобиловна - «Муштур» журнали бўлим муҳаррири

Соттубоев Низомиддин - Андижон вилоят ўсма касалликлари диспансерининг бўлим мудири

Тайпатов Абдуҷалол Гаффорович - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қашқадарё вилоят муҳбири



Темиров Бахтиёр Тоҳирович - «Ўзбекфильм» киностудияси пардоз чеҳининг бошлиғи

Темиров Хусан - Қашқадарё вилоят телерадио-компанияси раиси




Темурова Гулжаҳон Рашидовна - Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси Самарқанд бўлими махсус фондининг санъатшуноси

Тожибоева Маълудаҳон Мирзахоновна - Наманган вилоят

ХАЛҚ УЧУН, ХАЛҚ БИЛАН БИРГА



Ислом КАРИМОВ:
 Мен... мислсиз ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган, барча қийинчилик ва машаққатларга сабр-тоқат билан бардош берган, белни маҳкам боғлаб, бир ёқадан бош чиқариб фидокорона меҳнат қилган олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри ва муҳаббати билан таъзим қиламан.



Бир фармон шарофати

ОДАМЛАРДАН ФАҚАТ ЯХШИЛИК КЎРДИМ

Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келганимда мушкул аҳволда эдим. Бахтимга бағрикенг, сахий қалб эгалари — ўзбеклар менга меҳрибонлик кўрсатиб, ёрдамларини аямадилар. Урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигининг турли соҳаларида имкон қадар ишладим, эл дастурхонини тўкин-сочин этишга ҳисса қўшдим. Лаънати уруш ҳаётини вайрон қилди. Унинг жароҳатлари ҳали-ҳануз битмайди. Ёлғиз қолганимда ташвишлангандим. Ахир иссиқ жонман, касал бўлиб қолсам, ҳолим не кечади, деган фикрлар тинчлик бермасди.

Янглишган эканман. Хар галгидек қадрдонларим — кўни-кўшни, маҳалла-кўй менга ҳамору мададкор бўлди. Меҳрибон Президентимизнинг «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз




пенсияларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан кўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан мен ҳам баҳраманд бўляпман. Қарши шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ходимлари дои-

мий равишда ҳолимдан хабар олиб туришибди. Хусусан Ҳафиза Дўстмуродова, Нафиса Собирова каби жонқуярлар кам кўстимни билдиришмаяпти. Улар уй-рўзгор ишларида кўмакдош. Са-

вобли ишларга оталиқ ташкилотлар ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшишяпти. Яқинда шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Қахрамон Боймуродов кўнғироқ қилиб, байрамолди совға-са-

ломларини юборганлигини маълум қилди. Дастурхон атрофида гурунглашиб, шу муборак кунларни кўриш насиб этганидан бошимиз осмонда эканлигини бир-бир изҳор этдик. Мен шу муборак юртда фақат яхшиликлар



кўрдим. Ниятим — хур Ўзбекистонга асло кўз тегмасин.

Надежда ЦАРКОВА,
Қарши шаҳрида яшовчи ёлғиз пенсионер.

ЎЗГАЛАР ЁРДАМИГА МУҲТОЖ

кишилар мустаҳкам ижтимоий ҳимояда

Муборак юртимизда азал-азалдан саховат, меҳр-оқибат кучли бўлган. Уруш йилларида «Тошкент-нон шаҳри» дея таърифланганлигининг ўзида олам-олам маъно бор. Академик шоиримизнинг: бу ерда бор муҳаббат, шафқат ва меҳнат нонини кўрамыз баҳам, деган сатрлари қалбимиз тубидан жой олган. Ўзбекистон ҳукумати, хусусан Президентимиз меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига катта эътибор бериб келмоқда. Бу борадаги Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари фаолиятимизнинг дастуриламали бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятимизда 810 нафар пенсионер рўйхатга олинган бўлиб, уларга 177 нафар ижтимоий ёрдам кўрсатиш ходимлари бириктирилган. Ҳаётбахш фармонда белгиланган барча имтиёزلардан табарруқ инсонлар тўла фойдаланишмоқда. Ёлғиз кексаларнинг 24 нафари иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногиронлари бўлса, 350 киши фронт ортида хизмат қилган фидойилардир. Мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олин-

ган бу кишилар йил бошида тиббий кўриқдан ўтказилиб, беморлар энг яхши шифохоналарда, амбулаторияларда даволандилар. Бунинг учун 1 миллион 800 минг сўмлик дори-дармон етказиб берилди. Ёлғиз кексаларга 9 турдаги озиқ-овқат, кир ювиш воситалари ўз вақтида жўнатилмоқда. Олти ой ичида 22,3 миллион сўмлик неъматлар ажратилди. Бундан ташқари, тиш протезлари, кўзойнақлар, ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари ҳам тарқатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кекса, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юзасидан ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур қарорга асосан кўшимча равишда 1742 нафар ёлғиз кекса, пенсионеру ногирон рўйхатга олинди. Эътиборлиси шуки, уларга хизмат кўрсатишга Қизил Ярим Ой жамияти ҳамширалари ҳам жалб этилган. Савоб ишдан ҳомийлар ҳам четда қолишмаётир. Саховатпеша инсонлар томонидан 64,8 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

М.АЗИМОВ,
Қашқадарё вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи.

Хар бир инсон кексайганида роҳату фароғатда, иззат-икромда бўлсин. Қишлоғимизда чехрасидан нур ёғиладиган, оппоқ соқолли хизрсифат инсонларни кўрганимда қувончдан энтикаман. Улар бизнинг бахтимиз, суянган тоғларимиздир. Нурунийларнинг бой тажрибаси бебаҳо бойлигимиз.

ОТА ДУОСИ

Неча йилдирки, ижтимоий соҳа ходими сифатида фаолият юртияпман. Юқорида қайд этилган табарруқ инсонларга нафим тегаётганлигидан бағоят хурсандиман. Менга Бешкент шаҳрининг Муса Жалил кўчасидаги 46-хонадонда яшовчи 83 ёшли ёлғиз пенсионер Холида Танташевага қараш вазифаси юқлатилган. Онахон ҳазил-мутойибани ёқтирадиган, гоёта хушёр, газета ва журналларсиз туролмайдиган инсон. У билан сирлашиб, она-бола бўлиб кетганимиз. Ўзаро суҳбатимиз чоғида Ўзбекистон Президенти томонидан ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳикоя қилганимда нуруний юртимиз раҳбарлари, жонқуяр инсонларни дилдан дуо қилдилар.

Ҳозирги кунда туманимизда 77 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз қариялар бўлиб, уларга 16 нафар ижтимоий соҳа ходими бириктирилган. Шунингдек, 13 нафар ишсиз фуқаро ва ёлғизларга ҳам бўлиминиз томонидан кўмак бериб келинмоқда. Таъкидлаш жоиз, бу хайрли ишга бел боғлаган кишилар бағрикенг, меҳнатсевар, сабр-қаноатли бўлиши керак. Бир оғиз ширин сўз билан ёлғиз пенсионерларга олам-олам қувонч бағишлаш мумкин. Ҳамкасбларим Ҳанифа Шамсиева, Феруза Мухаммадиева, Насиба Жабборовалар ишончни тўла оқлашмоқда.

Зулхумор САИДОВА,
Қарши тумани ижтимоий таъминот бўлимининг ходими.



Остона хатлаб бирон уй, қишлоқ ёки шаҳарга қадам ранжиди қилар экансиз, ён-атрофга назар ташлайсиз. Сўнгги йилларда Қарши шаҳрига ташриф буюрган кишилар қувончли ўзгаришларни кўриб, айтаётганларидан ҳайратланишмоқда. Биргина темирйўл шохбекатида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

— Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги байрами арафасида барча қулайликларга эга бўлган, жаҳон андозаларига мос бўлмиш шохбекат фойдаланишга топширилади, — дейди «Ўзтемирйўлтранс» бошқармаси Қашқадарё худудий маркази бошлиғи Ибодул-

ла Арслонов. — Ҳозирда сўнгги ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Чиндан ҳам шохбекатни қайта қуришда қатор қурилиш ташкилотлари вакиллари жонбозлик кўрсатиш-ўзгаришларни кўриб, айтаётганларидан ҳайратланишмоқда. 874 миллион 786 минг сўмлик қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу ерда 500 йўловчига хизмат кўрсатилади. Замонавий кутиш зали, оналар ва болалар хонаси, меҳмонхона, маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари йўловчилар хизматида бўлади. Ҳатто, тиббий хизмат кўрсатиш хонаси ҳам бунёд этилганлиги кўпчиликни қувонтирмоқда.

Қашқадарё вилоят

марказини республика камизининг бошқа худудлари билан боғлайдиган темирйўл линиялари мунтазам ишлаши учун келгусида

«Қарши—Самарқанд», «Қарши—Бухоро» йўналишлари бўйича электр поездлари қатнови йўлга қўйилади. Йил охиригача «Фузор—

Бойсун—Кумқўрғон» йўналиши бўйича иш-

лари давом этаётган темирйўл шохобчасининг Дехқонобод стан-

цияси қурилишини бит-

казиш кўзда тутилган.

Янги линия фойдаланишга топширилгач, «Хўжайкон» туз кони маҳсулотлари ушбу темирйўл орқали истеъмолчиларга етказиб берилди.

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини нишонлашга қизгин тайёргарлик кўриляётган шу кунларда Китоб темирйўл бекати ҳам қайтадан таъмирланмоқда. Қувончлиси шуки, соҳа ишчи-хизматчиларини тақдирлаш, ижтимоий ҳимоялаш юзасидан ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида 40 хонали турар-жой биноси эгаларига топширилади.

С.ШАВКАТОВ.

Дил изҳори

Қутилмаганда қўям хиралашиб қолди. Шунда ташвишга тушдим, нахотки ёруғ жаҳонни кўриш энди насиб этмаса, деган ўй-фикрлар тинчлик бермасди. Мутахассислар билан фикрлашсам, пойтахтимиздаги кўз касалликлари шифохонасида албатта даволаниш керак, деган фикрни айтишди. Бунинг учун маблағ керак эди. Шунда туман ҳокимлигига мурожаат қилдим. Илтимоимни ерда қолдиришмади. Саховатпеша инсонлар қўллаб-қувватлаши натижасида шифохонада даволандим. Бахтим бор экан, кўзларим қайта кўрадиган бўлди. Кейинроқ умрдошим Зухра Ашурова ҳам шу масканда дардига шифо топди. Биз кексаларни юксак даражада қадрлаётган давлатимиз раҳбари ҳамда тегишли ташкилотларга раҳматлар айтаман.

Бердишукр АШУРОВ,

Яккабоб туманидаги А.Ҳолиқов номидаги хўжалиқнинг Қўрғонтепа қишлоғида яшовчи пенсионер.

Қашқадарё вилоят

ҲАМЮРТЛАРИМ РАҲМАТ ДЕСА

Бахтим шу

Ота-боболаримиз «Қовун есан сахар е...» деб бежиз айтишмаган. Эрталабки нонуштага танавул қилинган ширин қовуннинг таъми асло оғзингиздан кетмайди. Бироқ, кейинги йилларда деҳқонлар полиз экинлари етиштириш қонун-қоидаларини бузганликлари боис, дастурхонга тортилаётган қовун-тарвузлар илгаригидек бўлмапти.

Бир неча йилдан буён полизчилик билан шуғулланиб келаман. Сидқидилдан қилган меҳнатларим ўз самарасини бераётир. Хар йили туман, вилоят ҳамда республикада ўтказилаётган «Шириной» кўрик-

танловида иштирок этиб, бир неча бор мукофотларга сазовор бўлдим. Ёнглишганим, телевизор, гилам сингари қимматбаҳо мукофотлар биз деҳқонларни янада унум-ликка олиб келишга ундади. Бунга жавобан маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириб, иқтисодиётни мустаҳкамляяпмиз. Хўжалигимизда истиқомат қилаётган кам таъминланган ва муҳтож оилалар, кексаларга баҳоли-қудрат кўмак бериб турганлигимиздан хурсандман.

Хўжалигимизда меҳнат қилиб, айна пайта кексалик гаштини сураётганлар анчагина. Ўзгалар пар-

варишига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш жамоамиз аъзоларининг асосий диққат-марказида турибди. Полизчиликдан келаётган даромад ҳам ёмон эмас. Ҳамюртларимиз ҳам хурсанд. Ширин-шакар полиз маҳсулотларини ҳали кўплаб етказиб берамиз.

Қишлоғимиздаги Ҳамид Олимжон номидаги мактаб ўқувчилари ёлғиз пенсионерлардан доимий равишда хабар олиб туршади. Айна пишиқчилик палласида ўқувчилар кўмағида ёлғизлар хонадонига ноз-неъматлар етказиб тураемиз. Бугунги кунда бир неча хил полиз

турлари устида иш олиб борганимиз яхши натижа берди. Янги нав қовунга «Пахтакор» деб ном бердим. Ширинлиги билан ажралиб турадиган бу қовунни еган ҳамюртларим раҳмат деса, бахтим ва саодатим шунда. Республикаимиз истиклолининг 11 йиллиги байрамида ҳам халқимиз дастурхонини ширин-шакар полиз маҳсулотлари билан безатамиз. Меҳнатим туфайли эл хурматида сазовор бўлдим. Бахт бўлса шунчалар бўлар-да.

Ҳаким бобо УСМОНОВ,
Нишон туманидаги «Пахтаобод» ширкат хўжалиғи полизчиси, халқ селекционери.

турлари устида иш олиб борганимиз яхши натижа берди. Янги нав қовунга «Пахтакор» деб ном бердим. Ширинлиги билан ажралиб турадиган бу қовунни еган ҳамюртларим раҳмат деса, бахтим ва саодатим шунда. Республикаимиз истиклолининг 11 йиллиги байрамида ҳам халқимиз дастурхонини ширин-шакар полиз маҳсулотлари билан безатамиз. Меҳнатим туфайли эл хурматида сазовор бўлдим. Бахт бўлса шунчалар бўлар-да.

Ҳаким бобо УСМОНОВ,
Нишон туманидаги «Пахтаобод» ширкат хўжалиғи полизчиси, халқ селекционери.



Бир фармон шарофати

БИР КЎРИБ КЕТИНГ, ГУЗАРИМИЗНИ

Юртбошимизнинг қишлоқларимиз инфратузилмасини ривожлантиришга оид фармонлари самараси ўлароқ бугунги кунда шаҳарларимизни, туманларимизни, қишлоқларимизни, маҳаллаларимизни гуллаб-яшнатиш йўлида катта ҳажмда бунёдкорлик ишлари адо этилмоқда. Жойларга алоҳида кўрқ берадиган қурилишлар ишида гузар деб аталмиш масканнинг ўзига хос жозибаси бор. Зотан гузар гўзаллик рамзи, ажойиб учрашувлар, давра суҳбатлари, қизиқарли гурунлар ўтказиладиган даргоҳ ҳисобланади.


бири «Раваллик» фуқаролар йиғини ва унинг гузаридир. Маҳаллага кўпни кўрган табаррук отахон Орзиқул Қурбонов раислик қилади. У ҳамма ишга бош-қош.

— Бундан бир неча йил муқаддам жойларда маҳалла гузарлари қуриш саъй-ҳаракати бошланди, - дейди отахон. — Ушундан корхона раҳбари бўлиб ишлаётган Қосимжон Рахимжон


ибот-ташвиқот ишларини намунали йўлга қўйганмиз. Турли мавзуларда тадбирлар ўтказамиз. Энг муҳими, 50 нафар киши маҳалла гузарининг ўзида иш билан таъминланган. Саҳоватпеша нафақахўр Раҳмат ота Муҳаммадиев 300 ўрнли янги мактаб қурилишига бошқош бўлмоқда. Бошқа қодир кишилар билан биргаликда кам таъ-

Энг улуг, энг азиз бай-ҳўжалиги корхоналарида, рамимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллигини муносиб нишонлаш ютуқлар яна бир бор барчанинг эзгу орзуси. эътибордан ўтказилмоқда. Мазкур муборак санага Қуйида Президент фартайёрланган муносиб тўёнлар ватандошларимиз қарорлари асосида амалга қалбини тоғдек кўтар-моқда. Саноат, қишлоқ ҳақида ҳикоя қилинади.

КЎЗ ҚУВНАЙДИ, ДИЛ ЯЙРАЙДИ



ҳамкорликда ишларни янада яхшилаш чоратадбирларини кўрмоқда. Одамларни ижтимоий ҳимоялаш, ойлик маош миқдорларининг



Айни кунларда Жиззах вилоятини бир айланиб чиқинг. Республикамиз мустақиллигининг 11 йиллик байрамига катта қурилиш ишлари амалга оширилганлигига гувоҳ бўласиз. Жумладан, яқинда «Боғишамол» дам олиш мажмуаси қуриб, ишга туширилди. Бугун эрта Жиззах отчопарининг қатор касб-хунар коллежлари, янги мактаблар, саломатлик масканлари фойдаланишга топширилади.

лик жамияти қурувчиларининг ҳиссаси катта. Бунёдкорлар 1 миллиард 709 миллион 326 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажаришди. Шунингдек, 152 миллион 713 минг сўмлик автотранспорт, 72 миллион 211 минг сўмлик темир йўл хизмати кўрсатилди.

«Жиззахчўлқурилиш» ОТАЖининг вилоятдаги энг нуфузли ва салохиятли ташкилотлардан бирига айланиб бораётганлиги қувончли ҳолдир. Шу йилнинг ўзида ишчилар сони 200 кишига кўпайди. Тармоқ касаб-уошма қўмитаси жамият маъмурияти билан

ошиб бораётганлиги истиқболга катта ишонч руҳи билан қараши ҳиссиётини уйғотмоқда.

Суратларда: шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари.



Энг улуг, энг азиз байрам арафасида азим Тошкентимизни кезган киши унинг ҳусни жамолига мафтун бўлади. Бир-биридан шинам, салобатли, ўзининг архитектураси билан ажралиб турадиган бинолар, кенг раво кўчалар, хиёбонлар, ажойиб кўприклар мустақил Ўзбекистон нималарга қодир эканлигини кўз-кўз қилиб турибди. Темуррийлар тарихи давлат музейи, Олий Мажлис, Марказий банк бинолари хорижликлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Биламизки, собиқ шўро даврида бирор иншоот қуриш учун «Москва»нинг рухсати олиниши керак эди. Демократизм, бошқа соҳалар қатори бунёдкорлик ишларида ҳам қўлимиз боғланган, мугъ инсонлар эдик. Мустақиллик туғайли ўзимизни ҳақиқий инсонлардек ҳис этдик. Яшаш, яратиш, янгиликларга қўл уриш борасида кенг имкониятлар яратилди. Мамнунлик билан таъкидлаш жоиз, авваллари бинокорлик материалларининг асосий қисми четдан келтирилган эди. Эндиликда «Қизилқумцемент», «Бекободцемент», «Қувасойцемент» корхоналари ўз маҳсулотлари билан ички бозорни тўла таъминлаб, хорижга ҳам экспорт қилмоқда.

янги технологик линиялар асосида ишлаб, қўлма-қўл бўлаётган қурилиш материаллари ишлаб чиқармоқда. Қурувчиларимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллигига аргизулик совғалар тайёрлашди. Масалан, бугун-эрта Чорвоқ сув омбори дам олиш зонасида жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган меҳмонхона, дам олиш масканлари фойдаланишга топширилади. Жиззахда ҳам ушундай томошабинга мўлжалланган отчопар бунёд этилмоқда.

Утган 11 йил касаб-уошмалари учун ҳам ўзига хос изланиш, янгиликлар даври бўлди. Бутун диққат-эътибор меҳнатқашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси, деган номга муносиб бўлишга қаратилди. Биз биринчи битимларимиздаёқ ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кўнгилдагидек амалга ошириш, уларга қўшимча имтиёз ҳақда қафолатлар берилишига эришдик. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси қабул қилингандан сўнг янги қончилиққа мос

БУ – МУСТАҚИЛЛИК ИНШОТЛАРИ!

қурилиш ашёлари саано-тининг барча вакиллари ўзларига тегишли ҳулосалар чиқариб олдилар. Меҳнатқашларни ўйлантираётган масалалар ечими устида бош қотирялмиз. Улардан бири иш ҳақи ўз вақтида тўланишига оид саъй-ҳаракатларидир. Аввало меҳнат жамоаларида кенг тушунтиришлар амалга оширилди. Тегишли идо-

ни, буюқ ва эзгу мақсадларимизга етишиш учун ўзини аямасликни талаб қилади».

Давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасининг 18 июл куни бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида таъкидлаган ушбу сўзларидан қурилиш ва

ралар билан ҳамкорликда иш берувчилар олдида қатъий талаблар қўйилди. Натжида жорий йилнинг олти ойи ичида касаб-уошмалари аралашуви билан 260 миллион сўм иш ҳақидан қарздорлик ўндирилди. Бу йўналишдаги ишлар қатъий давом этти-

рилмоқда. 21 июн куни бўлиб ўтган марказий қўмита Раёсат йиғилишида «Иш ҳақидан қарздорликни тугатиш бўйича касаб-уошма органларининг ҳаракат тартиби» тасдиқланди. Ута муҳим масала талабчанлик вазиётида таҳлил этилди. Ўзибўларчилик, совуққонликка йўл қўётган касаб-уошмалар, уларнинг етакчилари қаттиқ

танқид қилинди. Иш ҳақидан қарздорлик масаласида муайян вақт ичида мунтазам равишда ахборот бериш йўлга қўйилди.


Биз кундалик ташвишлар, турли юмушлар билан овора бўлиб, ҳаётнинг қанчалик тез ўтиб бораётганини баъзан сезмай ҳам қоламиз. Мустақиллик йилларида туғилган болалар бугун 11 ёшга, ўша пайтда мактабга борган фарзандларимиз эса 18 ёшга тўлиб, умрининг навқирон бир фаслига қадам қўйганини кўриб, қалбимиз жунбушга келади.

Фарғона вилоятдаги ишлар ҳам диққатга сазовор. Бу ерда талайгина ишламаётган кексалар бепул йўлланмалар билан таъминланди. Марказий қўмитанинг унинг жойлардаги бўлимлари меҳр-муруват ишларида ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Бу борада ташаббуслар юзга келмоқда. «Сирдарёвилоятқурилиш-2» ташкилоти Янгйер шаҳридаги Қариялар уйида таъмирлаш ишларини амалга оширди. Шу маскан ҳисоб рақамига 500 минг сўм ўтказилди. Бундан ташқари, Марказий қўмита «Нуроний» шифохо-

таб бинолари қурилиши ниятосига етказилди. Шунингдек, вилоятда 530 та мактабни таъмирлаш ишларида 26 миллион сўмлик иш бажарилди.

Мақтаблар қурилиши ва таъмирлаш ишларини тез ва соз амалга оширишда вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси қурувчиларининг саъй-ҳаракатлари мақтовга сазовор. Янги ўқув йилга янги мактаблар қуриб берган қурувчилардан ўқувчи ёшлар готи хурсанд эканликларини изҳор этишмоқда.

Суратда: А. Яссавий номли мактабнинг янги биноси.



Байрам арафасида «Санзор» дам олиш маскани ўзгача тароват касб эди. Чўқи бу масканга вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги тизими, мева-сабзавот, кимёлаштириш, машина-трактор парклари, «Жиззах-пилла», ўрмон ҳўжалиқларида кўп йиллар меҳнат қилиб нафақага чиққан 250 нафардан зиёд отахонлар тақлиф этилдилар. Тадбир «Қариялар «Санзор»да учрашдилар» деб аталди.

ҚАРИЯЛАР «САНЗОР»ДА УЧРАШДИЛАР

Қарияларни қадрлаш йили Давлат дастури доирасида вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаб-уошма қўмитасида қатор ана шундай йиғинлар уюштирилётганлиги мақтовга лойиқдир. Вилоят касаб-уошма қўмитаси Президентимиз фармонлари ва ҳукумат дастурини ҳаётга кенг тадбиқ этиб, умуминсоний кадриятларни улуглаш мақсадида ўтган ойларида мазкур тармоқ тизимида ишлаётган меҳнат фахрийлари ва нафақахўрлардан 250 нафари республикамиздаги «Ботаника», «Бўстон», «Ибн Сино» каби сўхатҳоҳларда ўз саломатликларини тиклаб қайтидилар. Қатор йиллар сувчи, механизатор, галлакор, пахтакор ва пиллакор бўлиб ишлаган Р.Маҳмудов, О.Болиев, Х.Йўлдошев, Б.Холбекова, Г.Болтабоева, А.Исроилов, Р.Тоҳировлар имтиёзли йўлланмаларга эга бўлишди.

— Нуронийларимиз эъзоз ва эътиборда, - дейди касаб-уошмалари вилоят кенгаши ходими Омон Бурхонов, - улар учун барча шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Айни пайтда тармоқ тизимида 300 та бошланч касаб-уошма ташкилотлари бўлиб, уларда 103216 нафар аъзолар фаолият кўрсатмоқдалар.

Бундай савобли ва саҳоватли ишлардан нуронийлар хурсанд бўлишмоқда.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» муҳбири.

Фахр

насига 250 минг сўм маблағ ажратди.

Ҳали фаолиятимизда камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар бор. Уларнинг сабабларидан бири баъзи касаб-уошма етакчилари ҳаёт қайнаган жойда — корхоналар цехларида, қурилиш майдонларида, ноз-неъмат яратувчилар хузурида кам бўладилар. Улар одамларни ўйлантираётган, тўлқинлантираётган муаммоларни тезликда илгаш, уларни бартафат этиш йўллари-ни белгилаб, қатъий ҳаракатлар қилиш борасида сустқашликка йўл қўймоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган Раёсат йиғилишида булар ҳақида атрафчилик гап борди. Уйлайманки, муборак байрам — Истиқлолимизнинг 11 йиллиги тантаналари тармоқ ходимлари ишчи-хизматчиларига кўтаринкилик бахш этади, сабоқлардан ҳулоса чиқариб, омиқкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлашга уйндайди.

Бахтиёр РАҲМОНОВ, Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари сановати ходимлари касаб-уошма Марказий қўмитаси раиси.

Бир фармон шарофати

Туманимизда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни юксалтириш бўйича хайрли ишлар амалга оширилди.

ТАДБИРКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

Айни пайтда 1100 дан ортиқ тадбиркорлик тузилмалари бўлиб, 662 таси кичик ва ўрта бизнес субъектларидир. Унинг 473 таси қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатмоқда. 600 дан ортиқ киши яқка тадбиркорлик билан шугулланишяпти.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 246 та яқка тадбиркор, 185 та юридик мақомга эга бўлган субъектлар давлат рўйхатидан ўтказилди. Кичик ва ўрта бизнес тизимлари томонидан ўтган олти ойда 116 миллион 968 минг сўмлик саноат маҳсулотлари, 208 миллион 94 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. 580 миллион 500 минг сўмлик қурилиш таъмирлаш ишлари бажарилди. 100 миллион 152 минг сўмлик савдо, 2 миллион 600 минг

сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди.

«Элтекс» хиссадорлик жамияти базасида тиббий момиқ ишлаб чиқарадиган «Ўзбекистон-Лихтенштейн» қўшма корхонаси ташкил этилди. Корхона тўлиқ ишга тушса йилга 150-160 тонна тиббиёт учун зарур маҳсулот тайёрлайди, 60 дан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, Бангладеш давлатининг Merchantex со (BD) LTD компанияси ва австриялик тадбиркор жаноб Стефан Пиккер билан ҳамкорликда тайёр жинси маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Юнивер-Ўзбекистон-Бангладеш-Австрия» қўшма корхонаси тузилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш муаммосини ҳал этишда яқинда ишга туширилган «Бўстонсутконсерваино» ва

«Шарбат» корхоналарининг хизмати каттадир. Мавжуд 9 та маҳалла гу-

зарларида тикувчилик, тўқувчилик, маҳаллий хунармандчилик, пойфазал созлаш, савдо ва маиший хизмат тармоқлари ишлаб турибди.

Май ойида туманда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича «MINITEX-2001» хусусий савдо кўргазмаси ўтказилиб, тадбиркорлар томонидан 41,5 миллион сўмлик минитехнологияга шартномалар тузилди.

Янги шароит яратиб берилган ва қўллаб-қувватланаётган тадбиркорлик тармоқлари туман иқтисодиётини мустаҳкамлашга салмоқли хисса қўшмоқда.

Э.РАЗЗОҚОВ,
Эллиққалъа тумани
товар ишлаб
чиқарувчилар ва
тадбиркорлар
палатаси раиси.

«БЎСТОН» МЕБЕЛЛАРИ

«Бўстон» Қорақалпоғистон Республикасининг кенжа шахарларидан саналади. Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда шахарчада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, айниқса яқка тартибда иш юритувчи тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилляпти.

Ана шулардан бири Улғбек Эгамбердиев бош бўлган ранг-баранг кўринишдаги мебеллар тузатиш устaxonа-

сидир. Бу жойда эски уй жиҳозлари ҳам қайта таъмирланиб, асл ҳолати тикланмоқда.

Устaxonа жорий йилнинг бошида очилган бўлишига қарамастан ойига 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Йил охиригача бу кўрсаткич 1 миллион сўмдан ошишини уста дурадгорлар ният қилиб қўйишган.

Характерли томони шундаки миҳозларга қулай бўлиши учун мебеллар ишлаб чиқариш устaxonаси шахардаги деҳқон бозори ёнида очилган.

Суратда: мебелсозлар иш устида.

Б.ЭРНАФАСОВ
олган сурат.



МАҲСУЛОТИМИЗ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОЗОРЛАРИГА

Тадбиркорликка кенг йўл очилгандан сўнг 1997 йилда Исроил давлатининг «Метафин» компанияси билан теплица хўжалигини қайта ускуналаш, экинларни томчилатиб суғориш ва озиклантириш бўйича 728 минг АҚШ доллари қийматида шартнома тузилди. Канаданин «Ранани-Холдинг» компанияси бизни молиявий қўллаб-қувватлади.

6 гектарлик ёпиқ майдонда теплица хўжалиги ишга туширилиб, помидор, бодринг ва бошқа сабзавот маҳсулотлари етиштирила бошланди. Бундан ташқари 500 гектар очик майдонда ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириляпти.

Ўтган йили томат пастаси тайёрлайдиган завод фойдаланишга топширилди. Маҳсулотлар Марказий Осиё давлатлари ва мамлакатимиз бозорларига чиқарилмоқда.

Уч юзга яқин ишчи меҳнат қилаётган теплица хўжалиги ва қайта ишлаш корхонаси тўла қувват билан ишласа, бир йилда катта миқдорда даромад олиш мумкин.

Бригада етакчилари Жумабой Калимбетов, Гулийоша Турсунова, Сулаймон Ортиқов, ишчилар-

дан Омонгул Мингтурганова, Гулзор Ортиқова, Окбика Камолова сингарилар хориж ускуналарини бенуқсон ишлаштириб, корхона иқтисодий қувватини оширишга муносиб улуш қўшмоқдалар.

Алиниёз КАННИЯЗОВ,
Нукус туманидаги
«Қорақалпоғистон»
агросаноат биришмаси
теплица хўжалиги
раисининг ўринбосари.

ФЕРМЕР АСЛО КАМ БЎЛМАЙДИ

Мамлакатимизда Қорақалпоқ диёри салохиятини рўёбга чиқариш, иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўриляпти. Кейинги йилларда фермерлик ҳаракатининг ривожланиши учун кенг йўл очилганлиги ўз самарасини бермоқда.

Бўзовул массивидаги 5 гектар боғни 3 миллион сўмга сотиб олиб, оила аъзоларим билан ишга киришган эдик. Дарахтзор ва узумзорлар парвариши яхши йўлга қўйилганлиги туфайли ҳосилдорлик ошиб бормоқда. Маҳсулот етиштиришдан ҳар йили 1 милли-

он сўм соф фойда олинмоқда.

Халол меҳнат фаровонлик келтиради. Мевазор боғдан олинган даромад фойдасидан тўйлар қилаяпмиз, янги уйлар қураяпмиз. Фарзандлар, келинлар ва йигирмага яқин набиралар даврасида бахтли турмуш кечиряпмиз.

Мустақиллик шарофати билан деҳқондан ерга эгалик хисси уйғонди. Мулқдор бўлди. Она заминни улғулаган, унга меҳр қўйган киши ҳеч қачон кам бўлмайди.

Худойберган ҲОЖИБОВЕВ,
Беруний туманидаги «Рустам»
деҳқон-фермер хўжалиги
раҳбари.

Раис ширкат аъзолари билан йиғилиш ўтказиб, наватчи кириб келди:

- Кечирасиз, сизни телефонда сўрашяпти.
- Гушакдан таниш овоз эшитилди...
- Муродилло ака, сизни чин юракдан табриклайман. Хозиргина телевизордан айтишди. Қаҳрамон бўлибсиз!
- Раҳмат, дўстим, - деди раис қувончини яшира олмай, шу оқшом у йиғилишни давом эттиролмади. Телефоннинг устма-уст жиринглашлари бунга имкон бермади.

Хушxabарнинг қаноти бор, дейдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Муродилло Саидовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ҳамда олий нишон «Олтин Юлдуз» медали берилганлиги ҳақидаги хабар тезда бутун вилоятга ёйилди.

Тумандаги «Жейнов» ширкат хўжалиги вилоятда ҳам улкан салоҳиятга эга бўлган хўжаликлар қаторидан жой олган. Одамлар дарди билан яшаш Муродилло Саидовга қанчалик қувонч келтирганини билсангиз эди. Ўн беш йилдан буён хўжаликка мохирона раҳбарлик қилиб келаётган мохир ташкилотчи кишилар қалбига йўл топишни яхши билади. Хўжаликда кейинги йилларда кенг қўламадаги ободлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларининг амалга оширилишида ҳам хўжалик раҳбарининг хизматлари катта.

— Муродилло Саидовни барчамиз бирдек ҳурмат қиламиз, - дейди Касби туман агроросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси Ҳоди Ҳошиев. — У кишини деҳқончилик академига деб бежиз айтишмайди. Қишлоқ хўжалигининг қайси бир соҳаси бўлмасин, пухта билонда. Бугунги кунда нафақат биз, балки барча қашқадарёликлар Муродилло Саидовни ўз устозлари, эл оқсоқоли сифатида эъзозлашади. Хўжалик иқтисодиётининг йилдан йилга бақувватлашиб бораётганлигини устоздаги ишбилармонлик ва тадбиркорликдандир.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, хусусан хўжаликда халқ турмуши фаровонлиги яхшиланиб, кўплаб турар-жой бинолари, маданий-маиший марказлар барпо этилди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида хўжалик марказида қад ростлаган 560 ўринли маҳам хўжалик раҳбарининг эркин далилидир. 1992 йилда Алишер Навоий,

Максуд Шайхзода, кейинчалик Ойбек ҳамда Бойматов номли мактаб биноларининг қурилиш ишга туширилиши отаналар кўнглини тоғдек кўтарди. 60 ўринли қариялар чойхонаси, маиший хизмат кўрсатиш уйи, 113 оилага мўлжалланган турар-жой бинолари, 140 ўринли иккита бола-

лар ишга тушириляпти. Шулардан бири суткасига 2 минг литр сутни қайта ишлайдиган қўшма корхонадир. Бу ерда аҳолидан ҳамда хўжаликда етиштирилган сутлар қайта ишланиб истеъмолчиларга жўнатилади. Энг муҳими, талай ёшлар иш билан доимий таъминланди.

МЕҲНАТ АРДОҒИ

Хўжалик ўрамада учта қишлоқ бўлиб, 18 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бугунгача аҳолининг 98 фоизи табиий газ, 100 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминлан-

ган. Қишлоқдаги 6 та мактабда меҳнаткашларнинг 4 мингдан ортиқ фарзандлари тартиб олишади. — Янги ўқув йили олтидан мактаб ўқувчилари учун 1,5 миллион сўмлик дарсликлар олиб берилди, - дейди хўжалик касаба уюшма кўмитаси раиси Ҳайит-

бой Чўлиев. — Шунингдек, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бугунгача ўн нафар фахрийларимиз «Қашқадарё соҳили» сўхатгоҳида дам олиб соғлиқларини тикладилар.



Ўзбекистон қаҳрамонлари

Қишлоқдаги 41 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтожларга моддий кўмак берилди.

Истиқлолимизнинг ўн бир йиллиги байрами арафасида қишлоқ ёшлари қурувчилардан ажойиб тўхта олдилар. 900 ўринли саноат коллежи қисқа муддатларда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда бир неча мутахассисликлар бўйича ёшлар таълим ва тарбия оладилар. Буларнинг барчаси хўжалик раҳбари сайъ-ҳаракати мевасидир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича ҳам хўжаликда ўзига хос тажриба тўпланган. Биргина ўтган йили олинган соф фойда 360 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилда хўжалик галлакдорлари томонидан 3400 тонна ўрнига 4361 тонна сара дон етиштирилди. Пиллакорлар эса режани қарийб 200 хиссага бажардилар.

Шу кунларда хўжалик пахтакорлари олдида муҳим вазифа турибди. Етиштирилган ҳосилни сифатли қилиб йиғиб-тегириб олиш учун пухта тайёргарлик қўрилди. Терилган ҳосил нес нобудсиз қишлоқда фаолият юритаётган «Жейнов» пахта тозалаш очик хиссадорлик жамиятида қайта ишланади. Хўжалик пахтакорлари бу йил

6500 тонна ўрнига 9000 тонналик хирмон яратиб ниятидалар. Қўриқиб турибди, даромад ҳам шунга яраша бўлади. Ишлаб топилган маблагнинг асосий қисмини халқ фаровонлигини яхшилашга қаратиш режалаштирилган.

— Муродилло ака амалга ошираётган ишларнинг ўзи бир қаҳрамонлик, - дейди ҳамкасблари фахр, ифтихорга тўлиб. У эл оқсоқоли бўлиш билан бирга оилада меҳрибон ота ҳамдир. Турмуш ўртоғи Салтанат Саидова билан 6 нафар фарзандни воёга етказиб, ўзи айтмоқчи, элга қўшган. 40га яқин невараларнинг суюкли бобоси - қизлари Гулчехра, Сожида, Ирода мураббий, Камола шифокор, ўғиллари Омонулло муҳандис, Собиржон эса иқтисодчи.

Кўпни кўрган, эл олқишини олган Муродилло Саидов кўксини «Меҳнат шухрати» орденидан сўнг республикамиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида «Ўзбекистон Қаҳрамони» олтин юлдузи безайдиган бўлди.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» муҳбири,
Усмон Юсупов
тумани.

ИМКONIЯТ ВА НАТИЖА

Юртошимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони тадбиркорликни тараккий эттириш ва одамлар ҳаётини яхшилашда бекиёс аҳамият касб этди.

Фармон талабларидан келиб чиқиб, шимоллий минтақада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ресурслари ҳамда резервларини қидириб топиб, ундан унумли фойдаланиш бугуннинг долзарб вазифаси. Холбуки, Оролбўйидаги мавжуд 28 та қўшма корхонадан 10 таси тўлиқ ишламаётганлиги, рўйхатга олинган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг 10 фоизи фаолият кўрсатмаётганлиги ташвишли ҳолдир.

Бўзатов, Кеғейли, Қонлиқўл, Қораўзақ, Мўйноқ каби туманларда тадбиркорлик тизимлари очишга етарли эътибор берилма-япти.

Имтиёзлар чет эл сармояларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, қишлоқ жойлари ва шахар марказларида кичик ва ўрта бизнес тармоқларини кўпайтириш, «Бандлик» дастурини амалга ошириш, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш имкониятини беради.

Оролбўйидаги экологик вазият ва демографик шароитни ҳисобга олиб, тадбиркорлик ривожини билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш барчанинг ишидир.

ЭНГ ЯХШИ ЭСДАЛИК

Мамлакатимиз мустақиллигининг муборак 11 йиллик тўйи арафасида юртимизда кўплаб қурилиш объекти, маданий ва маиший муассасалар, саноат корхоналари қурилиб фойдаланишга топширилляпти. Жумладан, пойтахтимиздаги «Алюминий ресурс» заводида қимматбахо металл латуни ва бронзани қайта ишлайдиган замонавий мажмуа ишга туширилди.

Мажмуа тўла автоматлаштирилган туфайли иш жараёни компьютерлар ёрдамида бошқарилади. Бу жаҳон стандарти талаблари даражасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Айтиш лозимки, иккиламчи хомашёдан ноёб металлари ажратиб олиш шу пайтга қадар, асосан, қўлда бажарилар, бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатига салбий таъсир кўрсатар эди. Эндиликда мазкур технология ёрдамида йилга икки минг тоннагача шундай маҳсулот тайёрланади. Унинг аксарият қисми экспортга чиқарилади.

(ЎЗА).

Қарор ва ижро

БОЛАЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир

Мамлакатимизда истиқлол йилларида келажагимиз эгалари бўлиши болажонларга ғамхўрлик кўрсатиш, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, соғлом авлодни камол топтириш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза этиш, уларни мунтазам равишда соғломлаштириб бориш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Соғлом авлод», «Она ва бола» Давлат дастурлари асосида тadbирлар амалга оширилди. Республикаимизнинг энг яхши сихатгоҳларида «Она ва бола» бўлимлари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Оролбўйи болаларини соғломлаштиришга ЭЪтибор янада кучайтирилди. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда ЭЪбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг муносиб ўрни бор.

— Қалбимизга фахр ва ифтихор туйғусини олиб кирган, ўзлимизни таниган, фарзандларимизга кенг имкониятлар берган энг улуг, энг азиз байрамимиз - Мустақилликнинг 11 йиллиги арафасида кўз ўнгимиздан ҳаётимизнинг турли жабҳаларида юз берган янгиликлар сарҳисоби ўтади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини янада юксалтириш, меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини доимий равишда соғломлаштириш, ёшларга етарли ва ҳавфсиз меҳнат шартлари яратиш йўлида астойдил иш олиб бормоқда. Касаба уюшмалари кучли ижтимоий ҳимоя таянган ҳолда корхона ва ташкилотларда им-

золанаётган жамоа шарҳномалари ҳамда битимларга меҳнат қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларда қайд этилган нормативлар асосида масалаларни киритиш ва уларнинг бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. ЎзКУФК айниқса, ёзги мавсумда болажонларни дам олдириш ва соғломлаштиришни намунали ташкил этиш йўлида барча имкониятларни ишга солди. Ҳар йили ёзги мавсумда 300 минг нафарга яқин



Ўғил-қиз болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамламоқдалар. Жорий йилда ҳам касаба уюшмалари, ҳўжалик ташкилотлари ва тегишли мутасаддиларнинг савий-харакатлари билан оромгоҳлар ион ойидаёқ болажонларни ўз бағрига олди. Жойлардаги мактаблар қoшида эса кундузги оромгоҳлар ташкил этилиб, зарур шарт-шароитлар яра-

тилди. Мавсумда Республика бўйича 747 та, шу жумладан 276 та шаҳардан ташқаридаги, 55 та санаторий туридаги, 9 та спорт-соғломлаштириш, 406 та мактаблар қoшидаги оромгоҳларда 270 минг нафар болани дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган эди. Амалда эса бу рақам 275 минг 56 нафар-

ҳолда, амалда 7013 нафар болани соғломлаштиришга эришилди. Дам олувчилар оромгоҳларга жўнатилиши олдиран тўлиқ тиббий-диспансер кўригидан ўтказилиб, тиббий ҳўлосаларга кўра даволаш муолажалари тайинланди. Ҳордиқ масканларида спорт-соғломлаштириш ишларини намунали ташкил этиш, спартакиадалар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Уч навбат давомида Самарқанд вилоятидаги энг яхши болалар соғломлаштириш оромгоҳларида Қорақалпоғистон Республикасидан 300 нафар, Хоразм вилоятидан 503 нафар, Фарғона, Андижон ва Наманган вилояти дам олиш масканларида 2402 нафар қорақалпоғистонлик болажонлар, Тошкент вилоятидаги энг сўлим ва баҳаво гўшаларда 1504 нафар хоразмлик ўғил-қизлар, пойтахтимизда эса 2304 нафар қорақалпоқ ўғил-қизлари ҳордиқ чиқариб саломатликларини мустаҳкамладилар. Уларни ўз кучоғига олган барча оромгоҳларда турли ўйин-қўлғулар билан бирга, маданий маърифат тadbирлар, дунёқарашларини кенгайтирувчи ва маънавиятларини юксалтирувчи учрашув ва суҳбатлар, тўғрақлар иш олиб борди. Соғломлаштиришнинг энг муҳим

омили бўлган спорт билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилиб, спорт жиҳозлари билан таъминландилар.

Шу ўринда яна бир муҳим ишни алоҳида таъкидлаш жоиз. Оролбўйи болаларига оромгоҳ йўлланмалари ҳам, келиб-кейтиш харажатлари ҳам бепул ташкил этилди. Ҳордиқ



тугагач эса қорақалпоқ ва хоразмлик ўғил-қизлар уйларига қайтаётганларида бир кунга етadиган, айнимайдиған озиқ-овқат маҳсулотлари, ширинликлар, маъданли сув берилди. Бу бир қарашда оддий ораса. Аммо замирида оролбўйи болаларига меҳр-муҳаббат етади. Бундай хайрли ишда бизга «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси, автотранспорт корхоналари, шунингдек, ҳўжалик ташкилотлари катта ёрдам бердилар.

Донолар айтганидек, тўрт мучаси соғ инсон энг бахтли инсондир, бас шундай экан, ҳар бир инсон тан сихатини асрамоғи лозим.

Озода МУҲИДДИНОВА,
Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика доимий комиссияси раиси ўринбосари.


ЁЗИМИЗ СОЗ ЎТДИ

Ф. ЕРМЕКБОЕВА, Кўнғирот тумани, ўқувчи.

— Ёзги таътилда Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Алоқачи» санаторий туридаги оромгоҳда ҳордиқ чиқардим. Таассуротларим бир олам. Бу ерда ҳар тонгни бадантарбия билан кутиб олдиқ. Иккита чўмилиш ҳавзасида мазза қилиб чўмилиб, офтобда тобландиқ. Спорт майдончалари, кутубхонада бўш вақтларимиз жуда қизиқarli ва мазмунли ўтди. «Ав-тоўйин» хонаси севимли масканимизга айланди. У ерда турли аттракционлар ташкил қилинганлиги ҳам кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Оромгоҳда жуда кўплаб дўстлар орттирдим. Ўз отонамиздек меҳрибон тарбиячи ва етакчиларимиз, доимо ёдимизда қоладиган бўлди.

Мен ўқиш бошлангач, она тили ва адабиёт дарсида эркин мавзудаги иншонни оромгоҳ ҳақидаги ажойиб лавҳаларга бағишлашни ният қилиб кўйдим. Синфдошларим билан эса оромгоҳда ўрганган янги ўйинларим сирлари билан ўртоқлашмоқчиман.




3. БОБОЖОНОВА,
Болалар тарбиячиси, Хоразм вилояти.

— Болаларимизнинг оромгоҳга келиб, кетишлари ҳам, йўлланма ҳам бепул ташкил этилди.

Энг муҳими, Оролбўйи болалари бу ерда дам олиш билан бирга саломатликларини ҳам мустаҳкамладилар. Улар тиббиёт хонасида кварц, солюкс, даволаш лампаси, ТУБС, инголятор каби физотерапия муолажаларини олдилар.

Таомлар ҳам жуда мазали бўлди. Сут ва сут маҳсулотлари, колбаса, пишлоқ, тухум, сархил мевалар, қаймоқ болалар дастурхонидан аримади.

«Кувноқ стартлар» мусобақаси, «Ўзбекистон тарихини ўрганамиз», «Қорақалпоқ кунлари», «Хоразм кунлари» каби тadbирларда болалар жуда фаол иштирок этиб, қадимги қадриятларимиз, санъатимиз, удумларимиз ва одатларимиз билан янада чуқурроқ танишдилар.



БОШИМИЗ УЗРА СОЯБОН

Ўғлим Бекмурод Алланиёзов ёзги мавсумда Наманган вилоятидаги «Наманган-текстиль» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олиб, саломатлигини тиклади. Ҳордиқ тугагач фарзандим ҳам руҳан, ҳам жисмонан қувватга тўлиб, жуда кўп яхши таассуротлар билан қайтди. Тоғ манзаралари, шарқираб оқаётган сой сувлари, мева-чева ғарқ пишган боғлар манзарасидан завқланиб, бу гўзалликларни қоғозга туширибди. Айниқса, бош тарбиячи Хурсаной Умарова, бошқа тарбиячи, етакчиларнинг ширин сўз ва очиқ чеҳра билан кутиб олганликларини у ҳар кун тўқинлашиб гапирди.

Ушбу дам олиш масканида болаларимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Маънавият ва маърифат хонасидаги машғулотларда улар маънан юксалганлари, дунёқарашлари кенгайгани оила аъзоларимизни ҳам мамнун этди. Ўғлим 2,5 минг китоб жамғармасига эга бўлган оромгоҳ кутубхонасида кўплаб асарларни мутолаа қилишга улғурибди. Одоб дарслари, «Қарияларни қадрлаш йили»га бағишланган тadbирлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, суҳбатлар, «Одобни ҳаётдан ўргандим» номли тарбиявий соатлар уларнинг тарбияси, одоб-ахлоқини янада бойитишга хизмат қилганлиги бизни жуда қувонтирди.

Энг қувончли томони шундаки, болалар дам олиш билан бирга турли муолажалар ҳам олиб, саломатликларини тиклаганлар. Зилол сув ҳавзаларида чўмилиб, офтобда тобланганлари, спорт-соғломлаштириш тadbирларида иштирок этиб, чиниққанлари сўзимиз исботидир.

Мен қорақалпоғистонлик оналар номидан фарзандларимиз учун бу каби ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётган давлатимизга, қолаверса, касаба уюшмалари ҳамда оромгоҳ мутасаддиларига юракдан миннатдорчилик билдираман.

Бибисора АЛЛАНИЕЗОВА,
Чимбой тумани.

«АЛГОРИТМ»ДАГИ ҲОРДИК

бир умр ёдимиздан чиқмайди, дейишди қорақалпоғистонлик ўғил-қизлар

«Алгоритм» ҳиссадорлик жамиятига қарашли шу номдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи бу йил жуда самарали фаолият юритди. Санаторий туридаги ушбу оромгоҳ 4 навбатда ишлаб, 4000 нафарга яқин ўғил-қиз мароқли ҳордиқ чиқарди. Оромгоҳда дам олиб, ҳордиқнинг сўнги кунни хайрлашув гулханига йиғилган болажонлар билан суҳбатлашганимизда, тўғриси, улар бу ерда ташкил этилган тadbирлару спорт ўйинлари, учрашув ва суҳбатлар, кўрик-танловларни санаб адоғига ета олмай қолдилар. Айниқса, қорақалпоқ болаларининг қувончлари ичларига синади. Улар оромгоҳдаги тарбиячи-ю ошпазлар, шифокору етакчилардан фойда миннатдор эканликларини, бу ерда ўтган дамлари ҳеч қачон ёдларидан чиқмаслигини қайта-қайта таъкидладилар. Туркўллик ўқувчи Бекир Мамудалиев ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб шундай деди:

— Оромгоҳнинг очилишида ҳам, хайрлашув гулханида ҳам барча болалар шоколадлар, турли ширинликлар, эсдалик совғалари билан сийланди. Дам олиш давомида ҳар ҳафтада 3-4 марта музқаймоққа тўйдик. Мазза қилиб ҳордиқ чиқариш билан бирга саломатлигимизни ҳам мустаҳкамлаб олдиқ. Оромгоҳимиз шифокорлари битта ҳам касал тишимизни қолдирмай даволаб кўйдилар.

Дарҳақиқат, оромгоҳ тиббиёт пунктини кичик

поликлиника дейиш мумкин. Чунки, бу ерда томоқ огриғию, қулоқ хасталиги, нафас йўллари шомоллашида ишлатиладиган барлашув гулханига йиғилган тиббий асбоб-ускуналар мавжуд. Тиббиёт хонасида ишлаган 4 нафар педиатр, стоматолог врач, 2 нафар фельдшер, 4 нафар ҳамшира ҳар бир боланинг саломатлигини мунтазам равишда назорат қилиб бордилар. Улар асосан гиёҳ ва фойдали ўтлардан тайёрланган чойлар, дахлама ва фитотерапия ёрдамида саломатликларини мустаҳкамладилар. Дори-дармон масаласида ҳам оромгоҳда муаммо бўлмади. Чунки бу йил ҳордиқ маскани 900 минг сўмлик дори-дармон билан таъминланди. Зарур ҳолларда болажонлар физиотерапия муолажаларини ҳам олдилар. Айниқса, қорақалпоқ болаларида дармондориларга эҳтиёж борлиги сезилди. Шу боис улар витаминотерапия асосида куч-қувват тўпландилар. Тоғ ҳавосидан баҳра олиб, нафас йўллари хасталигидан фориғ бўлдилар.

Барча ишларнинг бу каби намунали йўлга қўйилишида оромгоҳи 11 йилдан бери бошқариб келаётган «Алгоритм» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси Йўлчибой Раҳимжоновнинг

хизматлари катта, албатта. Йўлчибой ака зарур бўлса болалар билан бирга футбол ўйнайди, уларнинг шодлиги учун кўшича рақс тушади, қўшиқ кўйлайди, ҳатто бола бўлиб улар билан ажойиб моделлар ясайди. Шу боис дам олувчилар Йўлчибой акаларини қайта-қайта тилга олиб, бир-бирларига мақтай кетдилар.

— Болажонлар жуда ошириб боришди, - дейди камтарлик билан оромгоҳ бошлиғи. — Келажагимиз эгаларининг саломатлиги ҳақида қайғуриш, уларнинг мазмунли дам олишлари ва соғломлаштирилиши учун етарли шароитлар яратиб бериш биз катталарнинг одатий вазифаларимиздан биридир. Шу боис «Алгоритм» оромгоҳидаги ҳордиқлари-

нинг аъло даражада ўтиши учун жуда кўплаб тadbирлар ўтказдик. Ушбу тadbирларда тўрт навбат давомида дам олган 250 нафар Қорақалпоғистон Республикасидан келган болажонлар, 350 нафар Тошкент шаҳридаги 23-Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчилари ҳам фаол иштирок этдилар. Таъкидлаш жоизки, ушбу Меҳрибонлик ўйи ўғил-қизлари ҳам Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши, «Алгоритм» ХЖ маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан бепул йўлланмалар билан таъминландилар.

Мавсумнинг яна бир аҳамиятли томони, бу йил дам олган қорақалпоқ болаларининг 90 нафари Нукусдаги Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчилари эди.

Дам олувчи болалар олти маҳал жуда сифатли овқат билан таъминландилар. Ҳатто, оромгоҳнинг ўзида новвойхона очилганлигини таъкидлаш жоиз. Болалар эса таниқли эстрада хонандаси Кумуш Раззоқова иштирок этди.

Таъкидлаш зарурки, волейбол бўйича қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Зарафшон, Навоий, Тошкент шаҳарлари ва «Алгоритм» ХЖ жамоалари иштирок этдилар. Унда волейбол бўйича Олимпи-

ада чемпионлари Вера Дуюнова, Лариса Павловалар ўз тажрибаларидан болаларга сўзлаб бердилар. «Пахтакор-79» хотира турнири ҳам жуда қизиқучун жуда кўплаб маданий-маърифий тadbирлар ташкил этилди. «Кувноқ таёқчалар», «Оловуддин», «Томчилар», «Рақс», «Аъло» каби даста ва шоу гуруҳлар уларнинг меҳмони бўлди. «Эко» фестивалида эса таниқли эстрада хонандаси Кумуш Раззоқова иштирок этди.

Таъкидлаш зарурки, волейбол бўйича қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Зарафшон, Навоий, Тошкент шаҳарлари ва «Алгоритм» ХЖ жамоалари иштирок этдилар. Унда волейбол бўйича Олимпи-



ада чемпионлари Вера Дуюнова, Лариса Павловалар ўз тажрибаларидан болаларга сўзлаб бердилар. «Пахтакор-79» хотира турнири ҳам жуда қизиқучун жуда кўплаб маданий-маърифий тadbирлар ташкил этилди. «Кувноқ таёқчалар», «Оловуддин», «Томчилар», «Рақс», «Аъло» каби даста ва шоу гуруҳлар уларнинг меҳмони бўлди. «Эко» фестивалида эса таниқли эстрада хонандаси Кумуш Раззоқова иштирок этди.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА,
ЎзКУФК матбуот котиби.

Бир фармон шарофати

Касаба уюшма тadbирлари



Ангрэн шахридаги «Коинот» оромгоҳида мустақилликнинг 11 йиллигига бағишланган Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси ҳамда «Кўмир» хиссадорлик бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тармоқ меҳнаткашларининг аъъанавий IV спартакиада-си бўлиб ўтди.

ҒОЛИБЛАРГА – ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАР

Волейбол, сузиш, теннис ва мини футбол беллашувларида 17 жамоанинг 472 нафар аъзоси ғолиблик учун баҳслашди. Мусобақаларни республика тоифасидаги тажрибали ҳакамлар бошқариб боришди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган «Кўмир»

хиссадорлик бирлашмаси спортчилари Кўчма Кубок ва рангли телевизор билан тақдирланди. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари, шунингдек, мусобақаларда фаол иштирок этган спортчиларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.



СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА



Қизилтепа тумани «Дўстлик» уйингоҳида мустақилликнинг 11 йиллигига бағишланган «Ўздонмаҳсулот» Давлат акционерлик корпорацияси тизимидаги корхона, ташкилот, ширкат ва фермер хўжаликлари жамоалари ўртасида футбол бўйича «Олтин бошоқ» республика турнири бошланди.

«ОЛТИН БОШОҚ» республика турнири

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма марказий кўмитаси, «Ўздонмаҳсулот» Давлат акционерлик корпорацияси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқаруви ҳамда Қизилтепа тумани ҳокимлиги ташаббуси ва ҳомийлигида ўтказилаётган футбол мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар микёсида ўтказилган беллашувлар ғолиблари иштирок этишмоқда. Қизғин курашлар остида ўтаётган ўйинлар 28 август куни ўз пўннига етади. Ғолиб ва совриндор жамоалар турнирнинг Кўчма Кубоги, фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишади. Шунингдек, мусобақанинг энг яхши иштирокчиларини махсус совринлар кутмоқда.

ҚИЗЛАР ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Спорт мактабимиз туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси ҳамда Хайрихон Эргашева номи ширкат хўжалиги ҳомийлигида фаолият юритмоқда. Айни кунда унда 70 нафар хотин-қиз спортнинг 6 тури билан шуғулланмоқда. Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Фуржон Қодировнинг қишлоқ ёшларини спортга жалб этиш, умуман, хўжаликда спорт-соғломлаштириш ишларини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари, ғамхўрликларидан миннатдоримиз. Мактабимиз хўжалик маблағи ҳисобидан спорт анжонлари ва махсус кийим-бош билан таъминланган. Шунингдек, «Раф» энгил машинаси спортчиларимиз хизматида.

Туман ҳокимлиги томонидан кўрсатилган ёрдам туфайли спортнинг энг оммавий турлари — футбол, шохмот, шашка, кўл тўпи, энгил атлетика тобора ривожланиб бо-

ряпти. Бу спорт турлари бўйича беллашувлар тез-тез ўтказилмоқда. Нигорахон Раҳимова, Севара Убайдуллаева, Гулбахор Ахмедова сингари тарбияланувчиларимиз вилоят ва туман микёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишмоқда. Келажагимиз ворислари — ёшларимизни жисмонан соғлом, маънан баркамол этиб тарбиялашда мураббийларнинг хизмати катта бўлмоқда. Жумладан, спорт усталари Муқаддамхон Турғунова, Фанижон Турғунов, Ферузахон Мамажоновалар самарали меҳнат қилаётди. Шу боис хотин-қиз спортчилар тайёрлайдиган масканимиз нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам нуфузи ортиб бормоқда.

Матлубахон ХАЛИЛОВА,
Балиқчи туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси.

Инсон ўз меҳнати махсулини кўрганида дилдидан қувонади, барча захматларини унутади. Айниқса, шогирдлари камолини кўриш устоз-мураббийлар учун катта бахт.

Бугунги кунда Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфида 17 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд бўлиб, улардан 2 таси махсус ихтисослашган олимпия захираси, 7 таси қишлоқ спорт мактабларидир. Бу даргоҳларда меҳнат қилаётган мураббийларнинг деярли барчаси ҳақиқий спорт фидойилари, жонкуярлари саналишади. Бинобарин, дэю-дэ бўйича Борис Писаревский, Турон яккакураши бўйича Акрон Шердонаев, бокс бўйича Маҳмуд Анорқулов, белбоғли курашда Эркин Мусаев, миллий кураш бўйича Иброҳим Абдулатторов, оғир атлетикада Георгий Тен, таэквон-донинг ИТФ йўналиши бўйича Инна Хегай сингари мураббийлар шогирдлари камолини кўраётган бахтиёр устозлардир.

кўп йиллардан дэю-дэ кураш тури бўйича мураббий сифатида фаол ишлаб келмоқда. Чирчилик дэю-дэчиларнинг кўпчилиги унинг шогирдлари. Мақтанса арзигунда муваффақиятларга эришган. Хусусан, Пе-

ШОГИРДЛАР КАМОЛИ



кинда бўлиб ўтган Бутунжаҳон Талабалари ўйинида унинг бир-йўла икки нафар шогирди Ва-

ШИОРИМИЗ: ОММАВИЙЛИКДАН – МАҲОРАТ САРИ!

«Оммавийлик, соғломлаштириш ва маҳорат!» Ўз олдига ана шундай шарафли ва ўз навбатида масъулиятли вазифани кўйган касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари эзгу максад йўлида қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, вилоятимиз касаба уюшма спорти вакиллари бу борада олдидан белгиланган катъий режа асосида самарали фаолият юритмоқда. Максадга эришишда Президентимиз ҳаётбахш Фармонлари қудратли омил бўлмоқда.

Юксак чўққилар оsonликча забт этилмайди. Бунинг учун, энг аввало, қишлоқ жойларида ишни тўғри йўлга қўйиш даркор. Зотан, қишлоқ-



зишда муваффақиятларга эришяпмиз. Хусусан, сўнгги бир йил ичида жало, хўжалик, ташкилот ҳамда муассаса ишчи-ходимлари ўртасида «Алло-

моқда. Жумладан, ўтган йили хотин-қизлар иштирокида энгил атлетика, спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида бокс, миллий кураш, дэю-дэ бўйича кўплаб беллашувлар ўтказилди. Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг миллий кураш бўйича ўтган мусобақасида вакилларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, Кўчма Кубокини кўлга киритишди. Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида ташкиллаштирилган «Олтин бошоқ» республика футбол турнирида қатнашган жамоамиз эса фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

Тасарруфимиздаги 3 та БЎСМнинг 120 та гуруҳида 1600 нафарга яқин иқтидорли ёшлар спортнинг бокс, дэю-дэ, самбо, миллий кураш, футбол, энгил атлетика турлари бўйича малакали мураббийлардан сабоқ олишмоқда. Машғулотлар эса Қарши шаҳри ҳамда Ғузор, Касби, Косон, Яқкабоғ, Шахрисабз ва Чирочки туманларидаги спорт иншоотларида ўтказилмоқда. Тарбияланувчиларнинг ёз мавсумида намунали ҳордиқ чиқаришига катта эътибор қаратганмиз.

Йил бошида Қарияларни кадрлаш йилига бағишлаб «Камолот» ёшлар жамғармасининг Қарши шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган дастур кўплаб спорт тadbирларини муваффақиятли ташкил этиш имкониятини яратмоқда. Айниқса,

Жонкуяр мураббийлар

— 7 нафар жаҳон, 11 нафар мамлакат чемпионлари билан ҳақиқи равишда фахрланади. Мазкур йилнинг июлида Таиландда бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллаган ўсмир полвонларимиз сафида Ийк-ота кўргонида ёш спортчиларга тош кўтариш сирларидан дарс бераётган мураббий Георгий Теннинг шогирди ва фарзанди Вячеславнинг борлиги ҳам дилга чексиз фахр-ифтихор туйғуларини бағишлай-

ди. Шунингдек, ушбу нуфузли мусобақа совриндорига айланган Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Леонид Кимдан сабоқ олаётган ёш спортчи Руслан Алпанов ҳозирги пайтда келгуси мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Ўсмир ёшларга турли спорт турлари бўйича маҳорат сирларини ўргатиш билан бирга, қалб кўрларини кўшиб бераётган, бир сўз билан айтганда, бутун борлигини моҳир спортчилар тайёрлашдек шарафли ишга бағишлаётган жонкуяр устоз-мураббийларимиз бор экан, мамлакатимиз байроғи халқаро мусобақаларда ғолибона хилпирайверади.

С.ПўЛАТОВ,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бўлим мудири.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлиmlлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 2.35

Маънавиятимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерлида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.